


2026 йил 22-апрел

## Аммиакли селитра ишлаб чиқариш цехи



Ишлаб чиқаришнинг тўлиқ номи - бирламчи қувватда модернизация қилинган катта тоннали АС-72М агрегатида донлаштирилган аммиакли селитра ишлаб чиқариши. 1987-йилдан бошлаб ишлаб чиқариш қуввати - йилига 450 минг тонна аммиакли селитра (йилига 155,7 минг тонна озуклантирувчи моддалар) ишлаб чиқаради. Москва шахрининг азот саноатининг давлат институти АСДИ (ГИАП) ушбу ишлаб чиқаришнинг бош лойиҳалаштирувчиси ҳисобланади.



[maxamchirchiq.uz](#)

[maxam-chirchiq.uz](#)


+998 71 716-40-79

[maxamchirchiqajrasmiy](#)

[Maxam Chirchiq AJ Rasmiy](#)

[Maxam-Chirchiq AJ Rasmiy](#)

- 2006-йили азот- фосфорли ўғитини олиш аралаштириш ускунаси ишга туширилган.
- 2007-йили аммиакли селитра ва карбамид сувли эритмалари аралашмасида суюқ азотли ўғитни олиш ускунаси ишга туширилган.
- 2008-йили Ўзбекистонда биринчи бўлиб тайёр маҳсулотни катта 500 кг ва 1000 кг «БИГ-БЕГ»га қопларш ускунаси ишга туширилди.
- 2011-йилда Марказий Осиёда биринчи бўлиб паст зичликдаги аммоний нитрат ишлаб чиқариш бўлинмаси ишга туширилган. Паст зичликдаги аммоний нитрат (ғовакли селитра) ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 90% экспортга ва 10% давлатимизнинг ички бозорига мулжалланган. Ишлаб чиқариш қуввати – йилига 60 минг тонна.
- 2013-йили универсал озуқа эритмаларини тайёрлаш ускунаси ишга туширилган.
- 2014-йили донадор азот-олтингугуртли ўғитини олиш ускунаси ишга туширилган.
- 2021-йили аммиакли селитра доналарини ёпишишга қарши воситаси билан қоплаш учун ёпишишга қарши воситани тайёрлаш ускунаси ишга туширилган.





"Максам-Чирчиқ" АЖ Матбуот хизмати

**source:**

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/ammiakli-selitra-ishlab-chiqarish-cehi>